

**“Рақамли трансформация ва тақсимлаш тармоғининг барқарорлигини  
ошириш” лойиҳаси**

**Қизиқиш таклифларини (ҚТ) топшириш бўйича сўров  
Лойиҳани бошқариш ва назорат қилиш бўйича консултант**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Осиё тараққиёт банкига (ОТБ) “Рақамли трансформация ва тақсимлаш тармоғининг барқарорлигини ошириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда-лойиҳа) кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича муурожаат қилди. Лойиҳа ташаббускори “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти («ХЭТ» АЖ) ҳисобланади.

Лойиҳа бутун мамлакат бўйлаб ўрта кучланишли тақсимловчи нимстанцияларни реконструкция қилиш ва тарқатиш тизимининг фаолиятини модернизация қилишга қаратилган. Натижа- тақсимлаш тармоғининг ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш - қуйидаги учта натижа орқали эришилади: 1-натижа: тақсимловчи подстанцияларни қайта тиклаш ва модернизация қилиш. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

(I) республика бўйлаб 35 кВ дан 110 кВ гача бўлган 26 та тақсимловчи нимстанцияларни реконструкция қилиш, асосан эски трансформаторлар, кабеллар, тақсимлаш мосламалари ва бошқарув тизимларини алмаштириш;

(II) тармоқ операцияларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш учун рақамли нимстанцияларни ўрнатиш;

(III) миллий SCADA тизимида келажакда интеграциялашув учун SCADAга тайёр лойиҳани таёрлаш.

«ХЭТ» АЖ консалтинг хизмат кўрсатувчи корхона - Лойиҳани бошқариш ва назорат қилиш бўйича консултантни (Консултант) – ишга ёлламоқчи. Консултант лойиҳани амалга ошириш бўлими (ЛАОГ) ва “Худудий электр тармоқлари” АЖга лойиҳа доирасидаги объектларни (сублойиҳаларни) амалдаги стандартларга мувофиқ лойиҳалаштириш ва жадвал ва лойиҳа қиймати доирасида харид қилиш, ўрнатиш, қуриш ва топширишни таъминлашда, шунингдек иш шартномалар шартларига мувофиқ, сифатли, иш жадваллари ва харажатлар доирасида бажарилишини таъминлаш учун лойиҳанинг бажарилишини назорат қилишда ёрдам беради.

Талаб қилинадиган консалтинг хизматларининг батафсил тавсифи ва қўшимча маълумотлар Техник топшириқда (ТТ) кўрсатилган бўлиб, у <https://cms.adb.org> интернет манзилида ОТБ Консултантларни бошқариш тизимидаги қизиқиш таклифининг электрон версиясида мавжуд.

Консултант тегишли лойиҳаларни бошқариш тажрибасига, яъни 220 кВ ва ундан юқори электр узатиш ва подстанциялар лойиҳаларини назорат қилиш бўйича иш тажрибасига эга бўлган консалтинг хизмат кўрсатиш корхонаси бўлиши ҳамда 10 йиллик тажрибага эга бўлиши керак. Корхона IEC61850 стандартига мувофиқ 220 кВ ва ундан юқори подстанцияларни лойиҳалаш ва қуриш, электр узатиш линиялари, лойиҳаларни бошқариш ва амалга ошириш бўйича тажрибага эга халқаро муҳандислик мутахассисларига эга бўлиши керак. Корхона ривожланаётган мамлакатларда ва минтақада, Марказий Осиё минтақасида, тажрибага эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Халқаро экспертлар томонидан 119 ойлик консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб этилади. Консультант миллий экспертлар томонидан қўллаб-қувватланади, уларнинг хизматлар қўлами 320 ойни ташкил этади.

Мутахассислар ўз соҳаларида малакали ва тажрибага эга бўлиши керак. Барча халқаро лавозимлар учун рус тилини билиш баҳолашда қўшимча афзаллик ҳисобланади ва инглиз тилини билиш мажбурийдир. Бошқа лавозимлар учун инглиз тилини билиш баҳолашда қўшимча қиймат бўлиб, ўзбек ва/ёки рус тилини билишлари шартдир.

Шартнома бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш муддати 36 ойни, тахминан 2024 йил апрель ойидан 2027 йил апрель ойига қадар бўлади.

Консультант ОТБнинг Сифат ва харажатларни танлаш усули ва ОТБнинг Қарз олувчилар учун харидлар бўйича йўриқномасига мувофиқ танланади *(2017 йил октябрь, таҳрирланган)*.

Барча манфаатдор малакали консалтинг корхоналари <https://cms.adb.org> манзилида ОТБнинг Консультантларни бошқариш тизимида рўйхатдан ўтиши ва ушбу тизим орқали инглиз тилида стандарт шаклда қизиқиш таклифи (выражение заинтересованности) тақдим этиши керак.

Қизиқиш таклифларини баҳолашни тезлаштириш учун консалтинг фирмалари қуйидаги қизиқиш таклифлари топшириш муддатидан олдин ОТБ тизими орқали асл қизиқиш таклифларининг рус тилига таржимасини (PDF форматида, илова сифатида) тақдим этишлари тавсия этилади. қизиқиш таклифларининг инглиз ва рус тилидаги версиялари ўртасида тафовут бўлган тақдирда, инглиз тилидаги версияси устунлик қилади.

Қизиқиш таклифлари топширишнинг охириги муддати **19 июль 2023 йил соат 23:59 Манила вақти билан (Филиппин)**.

“ХЭТ” АЖ ҳеч қандай сабаб кўрсатмасдан, норози аризачи(лар) олдида ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмасдан, ҳар қандай ёки барча қизиқиш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

“ХЭТ” АЖ ёки ОТБ консалтинг хизмати корхоналари томонидан қизиқиш таклифларини тайёрлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

Маълумот учун:

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ

Тошкент, Осиё кўчаси, 8

301-хона

Юнусматов М.

Телефон: +998-78-150-1154

Электрон почта: [pmu@het.uz](mailto:pmu@het.uz)

[meds.pmu@gmail.com](mailto:meds.pmu@gmail.com)

Сеунг Дак Ким

Катта энергетика мутахассиси, ОТБ

Электрон почта: [seungduckkim@adb.org](mailto:seungduckkim@adb.org)